

Хулоса. Мирзачўл табиий географик районида ерларни ўзлаштириш ва сўғорма деҳқончилик ишлари олиб борилганда табиий компонентларнинг бир-бирига боғлиқлик даражаси ҳисобга олиниши лозим. Табиий компонентларнинг бирор биттасига кўрсатилган салбий таъсир, бошқа компонентларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Районда олиб бориладиган ҳар бир агротехник тадбирларда компонентларнинг ўзаро алоқалари ҳисобга олиниб комплекс тадқиқот нуқтаи назаридан ёндашиш тақозо этади.

Мирзачўл табиий географик районида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида, ер-сўв

ресурсларидан рационал фойдаланиш ва ҳудуддаги геозкологик вазиятни баҳолаш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялари берилади:

- Мирзачўл табиий-географик районининг табиий ресурслари ва қишлоқ хўжалиги ерларини ҳозирги вақтдаги ҳолатини ўрганиш учун палегеографик тадқиқотлар олиб борилди ҳамда табиий географик районнинг динамик ўзгариши таҳлил қилинди;

- Мирзачўл табиий-географик районида антропоген юк ҳажми юқори бўлган ресурслардан ер-сўв ресурслари илк бор комплекс равишда ўрганилди, таҳлил қилинди ва баҳоланди.

Адабиётлар

1. Abdunazarov U., Sabitova N., Xoldorova G. (2020). Morphological features of buried Soils of loess formations of the prytashkent region of Uzbekistan. Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125. Malayziya. Архив Научных Публикаций JSPI.
2. Алибеков Л.А., Нишоннов С.А. «Природные условия и ресурсы Джиззакской области». –Т.: «Ўзбекистон». 1978, -С.255.
3. Рафиков А.А. Природно-мелиоративная оценка земель Голодной степи. -Т.: «Фан», 1976. –С. 160
4. Закиров К.З., Закиров П.К. Закономерности распределение растительного покрова и принципы высотной зональности. Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. –Ташкент: 1971.-Т.1.-С. 136-155.
5. Кодиров Ф.Ў. Жанубий-Ғарбий Айдаркўл соҳилидаги ўсимликлар копламининг трансформацияси. // Ўзбекистон биология журналы. 2006, №4. 24-30-б.
6. Ғўдалов М.Р. Айдаркўл ботиғидаги табиий ва антропоген жараёнлар таҳлили. Ўзбекистон география жамияти ахбороти 35-жилд. –Тошкент: 2010.182-187-б.
7. Gudalov M.R., Sharipov Sh.M. Geologik situation in the Aydar-Arnasay colony and its atropy. // Journal of Critical Reviews. Volum 7, Issue 3, 2020. Maleziya Kuala.
8. Хайдаров К.Х. Хожиматов. К.Х. Ўзбекистон ўсимликлари. –Тошкент: “Ўқитувчи” 1992. 10-91-б.
9. Xoldorova G. Мирзачўлда атроф-муҳитни мониторинг қилиш масалалари. // Педагогика и психология в современном образовании. –Пенза: 2021.

РЕЗЮМЕ. Мақолада юртимизнинг алоҳида ҳудудлари табиий шароити шаклланишининг органик дунёси ҳақида сўз юритилади. Айниқса антропоген таъсир оқибатида шўрланиш даражаси юқори бўлган Мирзачўл табиий ўлкасида органик ресурсларидан фойдаланишга янгича ёндашув замон талаби эканлиги таъкидланади.

РЕЗЮМЕ. В статье говорится об органическом мире в формировании природных условий отдельных регионов нашей страны. Особо отмечается, что новый подход к использованию органических ресурсов в природной зоне Мирзачула с высокой степенью солености, вызванной влиянием энтропии, является современным требованием.

SUMMARY. The article talks about the organic world in the formation of the natural conditions of the alokhida regions of our country. It is especially noted that the fresh approach to the use of organic resources in the natural zone of Mirzachul with a high degree of salinity caused by the influence of entropy is a modern demand.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

О.Х.Кувандиков – тадқиқотчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: озиқ-овқат, мевали экинлар, интенсив боғдорчилик, тоғ ва тоғолди, ёнғоқ, pista, олма, гилос, шафтоли, ўрик, қуритилган, кадокланган, экспорт.

Ключевые слова: продукты питания, плодовые культуры, интенсивное садоводство, горно-степное, орехи грецкие, фисташки, яблоки, черешня, персики, абрикосы, сушеные, фасованные, экспорт.

Key words: food, fruit crops, intensive gardening, mountain-steppe, walnuts, pistachios, apples, cherry, peaches, apricots, dried, packaged, export.

Кириш. Ўзбекистонда боғдорчилик халқ хўжалигининг энг қадимги тармоқларидан биридир. Республика қишлоқ хўжалигининг истиқболи учун ва халқ моддий фаровонлигини ошириш кўп жиҳатдан уни ривожлантиришга боғлиқ. Иқтисодий ислохотлар шароитида аҳолини қишлоқ хўжалиги, жумладан мева маҳсулотлари билан таъминлаш бозор талаблари даражасида маҳсулот яратиш, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда йил давомида аҳолини мева билан таъминлаш учун ҳудудлар табиий шароити ва имкониятларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш зарур. Самарқанд вилоятида боғдорчиликни ривожлантириш ҳамда унинг ҳудудий ташкил этилганлик даражасини иқтисодий географик нуқтаи назардан илмий ёндашган ҳолда ўрганиб чиқишдан иборатдир.

Асосий қисм. Республикада қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида маҳсулот етиштиришнинг ҳажми, сифати ҳамда самарадорлиги ошмоқда. Ушбу соҳа қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан боғдорчиликда ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларда саноатни хом ашёга ва аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилаган кўплаб қонун ва фармонлар қабул

қилинмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 фармонининг 2 - бобида “Аҳоли сонининг ўсиши, ер, сув ва энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши, шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллардир” деб айтилган [2]. Чунки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ -овқатга бўлган эҳтиёжни ошиши, бевосита қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган боғдорчиликни янада ривожлантириш билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотида кўра бир одам бир йил давомида 95-100 кг резавор мева истеъмол қилиши кераклиги тасдиқланган. Ҳозирда Республикада етиштирилган мева, резавор мева маҳсулотлари аҳоли жон бошига 95 кг тўғри келмоқда, шундан 12 кг узум ҳисобланади. Бу кўрсаткич АҚШ, Италия, Испания, Франция каби мамлакатларда 120-250 кгни ташкил қилади. Бунинг учун биз аҳоли жон бошига қунига 330-400 г ёки йилига 115-120 кг мева шундан 15 кг узум ва 10 кг резавор мева етиштиришимиз керак. (Т.Э. Останақулов, С.Н. Нарзиева, Б.Х. Фуломов, 2010) [6].

Ўзбекистон географик жихатдан қулай ҳудудда жойлашганлиги турли туман мевалар етиштиришга ихтисослашган мамлакатлардан биридир. Ўлкада иссиқ кунларнинг давомийлиги сабаб бу ерда етиштирилган мевалар ўзининг ширинлиги ва транспортабеллиги билан бошқа давлатлар импортида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида ёввойи мева ва резавор мева ўсимликларида грек ёнғоғи, олма, олча, pista, бодом, четан, дўлана, зирк, узумларга жуда бой ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларидаги ёввойи мева ва узумчиликни татбиқ қилиш бўйича Н.И. Вавилов (1960), М.Г. Попов (1929), В.П. Дробов (1950), Р.Р. Шредер (1929), П.А. Баранов (1940), Г.П. Сумневич (1942), С.Н. Кудряшев (1950), И.Т. Васильенко (1959, 1963), С.С. Комиков (1956, 1973), В.В. Кузнецов (1971), М.Б. Дашанов, А.А. Хакназаров (1974), М. Абдуллаев (1974), М.М. Мирзаев (1982) ва бошқалар шугулланган.

Самарқанд вилоятида ҳам боғдорчилик азалдан ривожланган тармоқлардан бири ҳисобланади. Бунга воҳанинг ўзига хос иқлимий хусусиятлари, тупроқ, сув билан таъминланганлик даражасининг етарли эканлигидадир. Тарихдан ҳам маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида Самарқанд атрофида ўн иккита боғ майдонларини яратиб уларга ном берганлиги бежизга эмас. Чунки бу боғлар айнан Самарқанд шароитига мос келганлигидадир.

Боғдорчилик, асосан вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари бўлган Ургут, Тайлоқ, Булунғур, Самарқанд, текисликда Жомбой, Пастдарғом, Оқдарё, Каттакўрғон туманларида унумдор тупроқ, етарлича сув манбаларига эга жойларда кенг тарқалган. Аксинча, Нарпай, Пахтачи, Иштихон туманлари-пахтачиликда, Қўшробод, Пайариқ туманлари - узумчилик-чорвачиликка, Нуробод тумани чорвачиликка ихтисослашуви юқориқдир. Ваҳоланки, бу туманларда ҳам боғдорчиликнинг айрим тармоқлари, жумладан, доначилик йўналишлари мавжуддир. Боғдорчиликни ривожлантиришда вилоятнинг аҳоли ва меҳнат ресурслари, қайта ишлаш саноат тармоқларининг иқтисодий географик жойлашуви ҳам муҳимдир. Шу билан бирга Зарафшон дарёси ва унинг атрофида жойлашган каналлар, суғориш шахобчаларининг мавжудлиги ўлароқ вилоят ҳудудларида кишлоқ хўжалик тармоқлари, жумладан, боғдорчиликни ҳудудий жойлашиши ва ривожланишида яққол намоён бўлади.

Самарқанд вилояти статистика бош бошқармаси маълумотида кўра, 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича вилоятда жами 42403 гектар боғлар мавжуд бўлиб, шундан 75,6 % ёки 32059 гектари ҳосилли ва қолган 24,4 % ёки 10344 гектарини ёш боғлар ташкил қилмоқда. Вилоятда мавжуд жами боғларнинг 54,5 % олма, 9,8 % ёнғоқ, 4,3 % ўрик, 4,1 % гилос, 3,0 % олхўри, 2,7 % бодом, 2,1 % олча, 2,0 % шафтоли ва қолган 17,5 % ни бошқа мева боғлари ташкил қилмоқда. Боғдорчилик вилоятнинг Самарқанд, Булунғур, Каттакўрғон, Жомбой, Пастдарғом, Пайариқ, Ургут ва Оқдарё туманларида яхши ривожланган бўлиб, жами етиштирилган меваларнинг 76 % и шу туманлар ҳиссасига тўғри келган.

Мазкур даврда вилоятда жами 345624 тонна мева етиштирилиб, ўртача ҳар гектар ердан 107,8 ц/гани ташкил қилган. Вилоятда етиштирилган меваларнинг 19,6 % қайта ишлашга, 23,5 % экспортга, 7,6 % Тошкент шаҳри ва бошқа ярмаркаларга, 1,7 % соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари ва ташкилотларга ҳамда 47,6 % эса ички бозор ва ички истеъмолга кетган.

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларидаги ёввойи мева ўсимликларнинг географик жихатдан тарқалишига асосан ёруғлик, иссиқлик, тупроқнинг намлиги, ёғинлар ва бошқаларнинг денгиз сатҳидан қанча баландликда

жойлашганлигига боғлиқдир. Тоғнинг юқори қисмида жойлашган бута-дарахт ўсимликлари иқлим, нам ва совуққа чидамли бўлган грек ёнғоғи, олма, олча, четан, смародина, зирк ва бошқалар асосан шарқий ва шимолий шарқий ён бағирларда кенг тарқалган. Нисбатан паст, денгиз сатҳидан 1000-1500 м баландликгача бўлган кам ёғин ёғадиган қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан, бодом, дўлана, маймунжон, ундан ҳам пастда тоғ олди ҳудудларида тиканли бодом, pista ва тоғ узуми ўсади.

Ўзбекистон ҳудудларида биоэкологик жихатдан тарқалган ёввойи мева ва резавор меваларнинг айримлариға қисқача таъриф берсак.

Грек ёнғоғи. Бу ўсимлик асосан Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, Ғарбий Тяньшань (Қирғизистон ва Ўзбекистон), Помир-Олой (Тожикистон) ва Копет-тоғ (Туркменистон) да кўп ўчрайди. Ўрта Осиёнинг асосан 5 районида ёнғоқ ўрмонлари мавжуд бўлиб, улар Фарғона, Чатқол, Писком-Уғом, Ғусор ва Копет-тоғларда. (Дробов, 1950; Гурский, 1951; Запрягаева, 1964 ва бошқалар) [5].

В.И. Запрягаева (1964) таъкидлашича ёнғоқ ўрмон майдонлари Ўрта Осиёда қуйидагича тарқалган: Тяньшанда 44600 га, Помир-Олойд 15000 га ва Копет-тоғда 100 гектар деб берилган [4]. Лекин, бугунги кунда бу ҳудудларда кўп майдонлардаги ёнғоқзорлар инсон фаолияти натижасида қисқариб кетган. Ёнғоқлар мебель, ёғоч учун кесилиб, ўтин сифатида ёқилган. Ўзбекистонда ёнғоқзорларнинг катта майдонлари Ғарбий Тяньшань тоғ тизмасининг Бўстонлик, Паркент, Охангарон туманларида, Зарафшон тоғлари, Нурота ва Ҳисор тоғлари ва шу билан бирга Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг айрим тоғ районларида тарқалган. Республикамиз жанубида ёнғоқзорлар Қашқадарё вилояти, Ғарбий Ҳисор тоғларининг Зевар, Сангардак ўрмонлари ва Тўпалангдарё, Обезаранг, Қўштоғ тоғларида жойлашган. (М.М. Мирзаев, 1982) [5].

Самарқанд вилоятида ёнғоқзорлар тоғ ва тоғ олди ҳамда текислик ҳудудларида кенг тарқалган. Самарқанд вилоятининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларига кирувчи Қўшробод, Нуробод, Булунғур, Ургут туманларининг бир қисмида ёнғоқзорлар, асосан тоғнинг 1000-15000 метргача бўлган қисмида кенг тарқалган. Ургут туманининг Қоратепа, Чакқалон, Омонқўтон тоғлари, Булунғур туманининг Ғубдун, Қўшробод тумани Октепа тоғлари ёнбағирларида ёнғоқлар кўп асрлардан бери мева бериб келадиган ўсимликлар бўлиб, дарахтларнинг бўйи 30-35, танасининг қилочи 2 м ва томир ёйилмаси 12-16 метрни ташкил қилади.

Самарқанд вилоятида 2021 йил 1 январь ҳолатида жами 4137 гектар ерга ёнғоқ экилган бўлиб, шундан 33,3 фоизи ёки 1376 гектари ҳосилли қолган 66,7 фоизи ёки 2761 гектари ёш ёнғоқ боғларини ташкил қилмоқда. Мазкур йилида вилоят бўйича жами 15670 тонна ёнғоқ етиштирилган бўлиб, ўртача ҳар гектардан 113,9 центнер ҳосил олинган. Вилоят бўйича жами ёнғоқ майдонларининг 24,4 фоизи Булунғур, 18,4 фоизи Пайариқ, 14,1 фоизи Ургут, 8,3 фоизи Қўшробод ва 8,1 фоизи Нуробод туманларига энг кўп ва 0,3 фоизи Пахтачи, 0,7 фоизи Нуробод, 1,1 фоизи Тайлоқ туманларига энг кам тўғри келмоқда.

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида интенсив усулда бир йилда ҳосил берувчи ёнғоқзорлар ташкил қилинмоқда. 2011-2018 йилларда вилоят бўйича жами 2103 гектар ерга интенсив усулда ёнғоқ боғлари барпо этилган. Ушбу боғлар Жомбой 485 га, Булунғур 480 га, Самарқанд 350 га, Қўшробод 250 га, Пайариқ 210, Ургут 150 ва Пастдарғом туманларида 100 гектарни ташкил қилган. Иштихон ва Нарпай туманларида 35-40 гектардан ёнғоқзорлар барпо этилган ҳолос. Аксинча, қолган беш туманларда бу жараёнларга эътибор

берилмаябди. Воҳаланки Нуробод, Иштихон ва Каттакўрғон туманларида ёнғокзорлар ташкил қилиш имконияти қолган туманларга нисбатан анча юқоридир.

Писта. Истеъмом қилинадиган ёввойи ўсувчи писталарнинг асосий қисми Ўрта Осиёнинг Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон давлатларида ҳамда қисман Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий тоғ ёнбағирларида ўсади. Ўрта Осиёда писталарнинг умумий майдони 100000 га ни ташкил қилиб, шундан 20-25 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади (М.М.Мирзаев, 1982) [5].

Ўзбекистонда писталарнинг энг кўпи Боботоғ, Ҳисор тоғ тизмаларида, Ғарбий Зарафшон, Туркистон тоғларининг шимолий қирлари ва Фарғона тоғларига тўғри келади. (Калмиков 1956; Абдуллаев 1976; Попов 1977) [5].

Писта қурғоқчиликка чидамлилидир. У асосан чўлли паст тоғларда, қирларда ва қуруқ тоғ ёнбағирларининг 600-1700 метр ҳамда ёғингарчилик 150 ммдан кам бўлган жойларда ўсади. Ундан баландда жуда кам учрайди, айрим ҳолларда арчалар орасида ўсиши мумкин. Писта таркибида оҳак кўп бўлган (23 %) ва олтингургут кислотаси, хлорид тузи бўлган тупроқларда яхши ўсади. Чунончи, кам ривожланган тошли, қизил кумли тупроқларда секин ўсади ва мева ҳосили бўлмайди. Писталар, асосан дарахтсимон ва бутасимон бўлади. Ўртача ёши 60-100 йилдан 300 йилгача узок яшайдиган ўсимлик бўлиб, қулай ҳудудга мослашган писталарнинг бўйи 5-7 метргача, илдизи бақувватдир. Писта дарахтлари иссиқлик ва ёруғликни яхши кўради. Табиий шароитда 1 гектарда 100-150 тупгача дарахт бўлади. Шу билан бирга иссиққа ўта чидамли ўсимликлар турига киради. Ёз ойларида 40°C ва ундан юқори ҳароратга, қишда эса -32-33°C совуққа чидамлидир. (М.М. Мирзаев, 1982) [4]

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.06.2017 й. ПҚ-3025-сон "Ёнғок ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 й. ПФ-5853-сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони
3. Бороздин Р.Г. Вопросы развития садоводство и виноградарство в Узбекистане. –Т.: 1992.
4. Запрягаева В.И. Дикорастущей плодовые Таджикистана. –М.: 1964.
5. Мирзаев. М.М. Горной садоводство Узбекистана. –Т.: 1982.
6. Остонакулов Т.Э., Нарзиева С.Х., Фуломов Б.Х. Мевачилик асослари. –Т.: 2010.
7. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. –Т.: 2016.
8. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси. 2011- 2021.
9. Интернет сайтлари: <http://press-service.uz>.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Самарқанд вилоятида боғдорчиликни ривожлантиришнинг географик хусусиятлари таҳлил қилинган. Жумладан, тоғ ва тоғ олди ҳамда лалми ерларда ушбу тармокни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги, унумдор тупроқ, ер ресурслари, ўзига хос иқлимий шароитлардан келиб чиқиб, барча турдаги меваларни етиштиришнинг истикболлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируются географические особенности развития садоводства Самаркандской области. В частности, перспективы выращивания всех видов плодовых культур обусловлены наличием возможностей для развития этого сектора в горах и предгорьях, а также плодородных почв, земельных ресурсов, специфических климатических условий.

SUMMARY. This article analyzes the geographical features of the development of horticulture in the Samarkand region. In particular, the prospects for growing all types of fruit crops are due to the availability of opportunities for the development of this sector in the mountains and foothills, as well as fertile soils, land resources, and specific climatic conditions.

Самарқанд вилоятида 2021 йил 1 январь ҳолатида жами 5206 гектар майдонга писта экилган бўлиб, шундан 40,8 фоизи ёки 2122 гектари ҳосилли, қолган 59,2 фоизи ёки 3084 гектари ҳосилга кирмаган писта боғларидан иборат бўлган. Ўрганилаётган даврда вилоят бўйича жами 69 тонна писта етиштирилган бўлиб, ўртача ҳар гектардан 0,3 центнерни ташкил қилган. Вилоят бўйича жами писта майдонларининг 70,5 фоизи ёки 3670 га Нуробод ва 29,3 фоизи ёки 1525 га Қўшробод туманлари тўғри келмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, бу ўсимликни вилоятининг 600-1700 метргача бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги кам фойдаланиладиган очиқ ерларга экиш тавсия қилинади. Айниқса, Ургут, Қўшробод, Булунгур, Нуробод, Пайарик туманлари ҳудудларда писта майдонларини кенгайтириш учун ер, тупроқ, иқлим шароитлари тўғри келади. Писта майдонларини кўпайтириш орқали аҳолини янги даромад манбаи билан таъминлашга олиб келади. Шу жумладан, писта майдонлари ҳудудлар экотуризмни яхшилаш, ер участкалари, сел, тупроқ эрозияси каби оқибатларни олдини олишга ҳам хизмат қилади. Бугунги кунда Самарқанд бозорларида 1 кг пистанинг ўртача нархи 150-170 минг сўмдан юқоридир. Агар биз вилоятда писта майдонларини ташкил қилсак, унга бўлган эҳтиёжни қондириш ва нархни миёрлаштириш ва аҳоли даромадини оширишга эришимиз мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, келажакда Самарқанд вилоятида боғдорчиликни ривожлантириш тадбирлари аҳолини мева маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳамда бу маҳсулотларни республикамизнинг турли жойларига чиқариш, мева-консерва заводлари фаолиятини кенгайтириш, шунингдек меваларни қуритилган ва қадоқланган ҳолда чет мамлакатларга экспорт қилиш салоҳиятини ўстиришдир.